



ISHONCHI

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 23 апрел, сешанба №65 (1282)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 апрел кuni Оқсаройда АҚШ Президентининг минтақавий масалалар бўйича ёрдамчиси, Оқ уй раҳбарининг Афғонистондаги махсус вакили Залмай Халилзодни қабул қилди.

Залмай Халилзод бежиз махсус вакил АҚШ Президенти томонидан Афғонистонга

ўрганиб, муаммоларини тадқиқ этган арбоб. Президент Ислам Каримов меҳмоннинг изланишлари билан яхши таниш эканлигини ва бу тадқиқотлар муаллиф минтақамиздаги вазиятни яхши англашидан дараж берилиши таъкидлади.

Сизнинг нуқтаи назарини Оқсаройда қўриб олган Афғонистондаги ҳаётда муҳим омил бўлди. Мақолада референдум чет эллик кузатувчилар ва халқроқ ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг демократик ташкилотлар асосида, очик ва ошкора руҳда ўтганлиги алоҳида таъкидланган. Унинг мауреллифи Ж.Гаутамнинг ўзи референдумда халқроқ кузатувчи сифатида иштирок этган. Журналда, шунингдек, Термиз шаҳрининг юбилейи, юртимиз маънавий-маданий ҳаётига оид бошқа кўплаб материаллар чоп этилган.

(ЎЗА).

«TIME BUREAU» ЖУРНАЛИ РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲАҚИДА

Хиндистонда чоп этиладиган «Time Bureau» халқаро журнали апрел ойидаги махсус сонини Ўзбекистон ва Хиндистон ўртасидаги ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқаларига бағишлади.



Журналда ўзбек-хиндистон савдо ва иқтисодий алоқалари, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов

раҳбарлигида барча жабҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ранг-баранг мақолалар берилган. «Time Bureau» шу йил 27 январда мамлакатимизда ўтган референдумга алоҳида мақола бағишлаган. «Ўзбекистондаги референдум - демократия намойиши» деб номланган мақолада шундай сатрлар бор: «Референдум шунинг кўрсатдики, халқ ўз иродаси ва жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган шахсий муносабатини бемалол ифода қилади. У одамлар тафаккурининг ўзгариши ва

ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигининг янада ошиши билан муҳим омил бўлди». Мақолада референдум чет эллик кузатувчилар ва халқроқ ташкилотлар вакиллари иштирокида кенг демократик ташкилотлар асосида, очик ва ошкора руҳда ўтганлиги алоҳида таъкидланган. Унинг мауреллифи Ж.Гаутамнинг ўзи референдумда халқроқ кузатувчи сифатида иштирок этган. Журналда, шунингдек, Термиз шаҳрининг юбилейи, юртимиз маънавий-маданий ҳаётига оид бошқа кўплаб материаллар чоп этилган.

(ЎЗА).

«Умид нихоллари-2002»

Мамлакатимиз спорт тарихининг олтин зарварлар билан беаши қутилаётган мактаб ўқувчиларининг «Умид нихоллари-2002» мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрган фарғоналиклар нафақат ташкилий ишларда, балки беллашувларда ҳам барчага ибрат бўлишмоқчи. Бинобарин, вилоятнинг 11 та спорт тури бўйича ташкил этилган терма жамоалари малакали мураббийлар раҳбарлигида мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўришди.

Биз вилоят терма жамоаларининг мураббийларига мурожаат қилиб, мезбонларнинг макссад ва режалари билан қизиқдик.

теннис, шохмот, дзю-до, бокс, чим устида хоккей ва велоспорт билан мунтазам шуғулланиб келишмоқда. Ушбу спорт мактабларининг филиаллари Кува, Бешарик, Ўзбекистон, Бағдод каби чекка туманларда ҳам ташкил этилган спорт оммавийлигини оширишни, олис қишлоқлардаги истеъ-

МЕЗБОНЛАР ШАШТИ БАЛАНД

Юрий ЯШИН, Ўзбекистондаги хизмат кўрсатган мураббий, енгил атлетика бўйича катта мураббий:
— Жамоамизга Фарғона, Кўкон, Қувасой шаҳарлари ҳамда Ўзбекистон, Дангара, Учкўприк туманларидан энг сара спортчи-ўқувчиларни жалб қилганмиз. Мақсадимиз — умумжамоа ҳисобида кучли уличка кириши. Шахсий биринчилик баҳсларида эса Икром Юсупов ва Екатерина Тунгусовалардан умидимиз катта. Уларнинг бир ярим ва уч километр масофага югуриш беллашувларида чампион бўлишни кутаямиз.

Радиқ МУХТОРОВ, кўл тўпи бўйича ўсмирлар жамоаси мураббийи:
— Очиги, мусобақа қилиб бўлишни ният қилиб турибмиз. Бу ниятимиз амалга ошириш учун асосларимиз етарли. Тажрибали жамоага эгамиз. Тайёргарликни ҳам мейерибга етказдик. Қолаверса, ўз уйингда деворлар ҳам суяйди, дейишди-ку! Нокамтарлик бўлса-да айтиб ўтай: бизга асосий рақиб саналаётган Тошкент, Андижон, Наманган жамоаларига муносиб рақиб бўла оламиз.

додли ёшларни эътибордан четда қолмаслигини таъминламоқда. «Оммавийликдан — солибликка» шиори остида меҳнат қилаётган касаб ва уюшмалари спорт мактаблари жамоалари қувончи натижаларни кўлга киритишмоқда. Айниқса, бу «Умид нихоллари» мусобақасининг вилоят босқичида яққол ўз ифодасини топди. Касаба уюшмалари ёш спортчилари баскетбол, сузиш, кураш мусобақаларида совринли ўринларни кўлга киритиб, ҳақли равишда вилоят терма жамоалари таркибидан жой олишди.

Бахтиёр ХҲҲАЕВ, футбол бўйича бош мураббий:
— Фарғонада футболга, шу жумладан болалар футболга эътибор қай даражада етарлини айтиб ўтиш шарт эмас. «Умид нихоллари»нинг вилоят босқичи финал қисмида иштирок этган Кўкон, Фарғона, Марғилон шаҳарлари ва Учкўприк тумани жамоаларидан энг яхши футболчиларни таркибга йиғдик, анча мударат вилоят махсус футбол лицейида кўним топиб, «Тўқимачи» ўйингоҳида машғулотлар ўтказдик. Тўғриси, шашти-миз баланд, мухлисари-мизни, чиройли ўйинлари-миз билан хушнуд этамиз.

— Вакилларимизнинг «Умид нихоллари» республика мусобақасининг финал босқичида қатнашаётганидан гоят хурсандимиз, — дейди вилоят касаб ва уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Арслон Абдуқодиров. — Ойгул Дўрмонова мураббийлик қилаётган сузувчиларимиз ва Бобур Холиқов, Алексей Мельников, Тоҳир Сағатов, Жамшид Хасанов, Александр Касалов, Олег Мгарь каби баскетболчиларимиз ҳамда Шерзод Тўхтасинов, Бехзод Усмонов, Илс Масандов, Хайрулла Ҳакимов сингари курашчиларимиз совриндорлар сафидан жой олишди, деган умиддамиз.

Фарғона вилояти касаб ва уюшмалари тасарруфидан фаолият кўрсатаётган 7 та БЎСМда 2700 нафардан зиёд ўқувчилар оғир атлетика, футбол, волейбол, баскетбол,

Мўйдинжон СОБИТОВ.

Академик лицей ва касб-хунар коллежларини замонавий дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш бугуннинг долзарб масалаларидандир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини хузуридаги Шайхонтохур академик лицейида бўлиб ўтган семинар ана шу масалага бағишланди. Респуб-

ХАЙРЛИ КАДАМ

лика Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ташкил этган «Cambridge Education Consultants» компаниясининг дарсликлар ёзиш бўйича экспертлари ҳам катнашди.

Семинарда Камбрий таълим маслаҳатчилар ташкилоти ва Осий тараққиёт банки томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» доирасида янги, замонавий дарсликлар яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Табиий, гуманитар, тил, иқтисодиёт, математика ва информатика йўналишлари бўйича маърузалар тингланди.

Иккинчи бор ўтказган семинарнинг асосий мақсади, — деди Халқаро маслаҳатчилар гуруҳи раҳбари Дэвид Ройл ЎЗА муҳбирига, — ўқув материалларини яратиш, баҳолаш, электрон усулда тарқатиш, беаши, энг асосийси, академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабалари учун янги қўлланмалар яратишни қўллаб-қувватлаш ва кўмак беришдан иборат.

(ЎЗА).

Давлатимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашда солиқ тизимининг ўрни алоҳида. Муҳбиримиз Эллиқалъа туман давлат солиқ инспекциясининг бошқисини Мурод Сержанов билан бу борада туманда олиб борилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

— Баъзида «Солиқларни тўлаб қўйиб, тоза виждон билан юр» деган шиорга кўзимиз тушади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ушбу туманда «Тоза виждон билан юрган»лар ҳусусида гапирсангиз?

Туманимизда солиқ тўловчи 786 юридик, 419 нафар жисмоний шахслар бор. Уларнинг аксарияти солиқларни ўз вақтида тўловчи шахслардир.

Тизимимиз иши йилдан-йилга ривожланиб бораётган. Утган йилда давлат бюджетига режадаги нисбатан қарийб 12 миллион сўм ортқча маблағ туширилди, бошқача айтганда 965,5 миллион ўрнига 977 миллион сўм солиқ ундирилди. Албатта, ҳар бир ишнинг ўз муаммолари бўлади. Солиқ тизими ҳам бундан истисно эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 8 январдаги «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича мударатида тўланмаган солиқларни корхона ҳамда ташкилотларнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш тўғрисида»ги қарорига асосан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича йиғилган сумма-

СОЛИҚНИ ТўЛАНГ-У, БЕМАЛОЛ ЯШАНГ

ларни камайитириш борасида жами 71 та корхонага 255 миллион сўмлик тўлов талабномалари талқин қилинди. Талабнома берилгандан сўнг 58 та корхона деярли 117 миллион сўмни иктиёрий равишда тўлади. 10 та корхона қарзни ўз вақтида тўламаганлиги учун хўжалик судига ўтказилди. Суд мажбурий равишда бюджет олдидики қарзларини уларнинг мол-мулкларини ҳисобидан ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. 2 та корхонанинг деярли 32 миллион сўмлик мол-мулки ҳатланиб, қимомши савдоси орқали сотилди ва маблағи бюджетга туширилди. Корхона ва ташкилотлар солиқ тўловларини ўз вақтида тўлаб қўйиб, судлаш-

май, бемалол бўлмасиди? — Турман худудида кўплаб фуқаролар хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадилар. Улар солиқ қонунчилиги олди-

даги мажбуриятларини қандай бажарайтирлар? — Утган йили туманимизда 419 нафар фуқаро тадбиркорлик билан шуғулланди. Улар 19 миллион 991 минг сўм давлат солиғи тўладилар. Халқимизда «Ишон, лекин, текшириб туришни унутма» деган яхши гап бор. Утган йилда 25 марта режали рейд ўтказилди, 218 нафар тадбиркорнинг фаолияти текширилди. 196 та қонунбузарлик ҳоллари аниқланди. 85 нафар фуқаро патент ва лицензиясиз тадбиркорлик қилаётгани аниқланди. Улар 1 миллион 443,5 минг сўмлик жаримага тортилдилар. 68 нафар фуқарога нисбатан чора кўриш учун текширув ҳужжатлари суд-

га, 8 нафари тўғрисидаги ҳужжатлар эса хукукни муҳофиза қилувчи органларга юборилди. 120 нафар фуқаро 734,3 минг сўмликдан жарима ундирилди.

— Туманга баъзи махсулотлар ноқонуний равишда олиб қиртилётгани ҳақидаги гапларга гама дейсиз? — Бу гапларда жон бор, албатта. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки махсулотлари ва спиртли ичимликларга акциз маркази-жири қилиш тартиби тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан ўтказилган текширишлар бу борада қатор камчиликлар мажбурий эканлигини кўрсатди. Чет элда ишлаб чиқарилган, акциз маркази бўлмаган 41,2 минг сўмлик тамаки махсулотлари, 104,2 минг сўмлик спиртли ичимликлар мусодара қилинди.

— Маълумки, ҳукуматимизнинг махсус қарорларига биноан ёнлиги-мойлаш материалларини тартибга солиш, шунингдек бозорларда сифатсиз озиқ-овқат махсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Ушбу қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор камчиликлар қайд этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 156 минг сўмлик ёнлиги-мойлаш махсулотлари, 19,8 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 80,1 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат махсулотлари суд орқали мусодара қилинди.

Долзарб мавзу

— Маълумки, ҳукуматимизнинг махсус қарорларига биноан ёнлиги-мойлаш материалларини тартибга солиш, шунингдек бозорларда сифатсиз озиқ-овқат махсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Ушбу қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор камчиликлар қайд этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 156 минг сўмлик ёнлиги-мойлаш махсулотлари, 19,8 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 80,1 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат махсулотлари суд орқали мусодара қилинди.

— Маълумки, ҳукуматимизнинг махсус қарорларига биноан ёнлиги-мойлаш материалларини тартибга солиш, шунингдек бозорларда сифатсиз озиқ-овқат махсулотлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳам белгиланган. Ушбу қарорларнинг бажарилиши юзасидан ҳам бир қатор камчиликлар қайд этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 156 минг сўмлик ёнлиги-мойлаш махсулотлари, 19,8 минг сўмлик ўсимлик ёғи, 80,1 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган озиқ-овқат махсулотлари суд орқали мусодара қилинди.

Суҳбатдош: Б.ЭРНАФАСОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Фридрих Эберт номидаги фондинг Ўзбекистондаги вакиллари билан ҳамкорликда Тошкентда ўтказган «Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ижтимоий шерикчилик» мавзусидаги халқаро анжуман иштирокчилари Мустақиллик йилларида республикамизда эришилган муваффақиятлар билан танишиб, азият Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари бозор шароитида меҳнатқашларни ижтимоий химоялаш, соғломлаштириш борасида амалга ошираётган кенг қўламли тадбирлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари асосида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар билан атрофлича танишдилар.

Қуйида анжуман иштирокчисининг дил сўзлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.



Анчадан бери Тошкентда бўлмаганим. Бироқ, ўн йилдан ортиқроқ вақт ичида шаҳарда юз берган ўзгаришлар мени ҳайратга солди. Замонавий, жаҳон андозалари талабларига мос равишда қурилган иншоотлар, йўллар ва кўприклар, санъат қосоналари пойтахт ҳуснига ҳусн қўшиб, улугворлик касб этибди. Жаҳон миқёсидаги тажриба шуни кўрсатадики, фақат қудратли эл, келажаги порлоқ давлатдагина бундай улугвор ишлар рўйбга чиқади.

Эътироф

Ушбу бунёдкорлик ишларига республикангиз Президенти Ислам Каримов жанобларининг ўзлари бошқоқ бўлганлиги нақадар соз. Мисол учун ҳар томонлама қулай, барча имкониятларга эга, афсонавий саройларга қиёслаш мумкин бўлган янги консерватория биносини олайлик. Санъат қосонаси ўқув мажмуига назар ташлаган ҳар би киши у сифат жиҳатидан мутлақо ўзгача, кўзни қувватлиб, дилни яйратадиган «бир» маскан эканлигини эътироф этади. Бу ерда энг замонавий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган аудиториялардан ташқари, концерт заллари ҳам мавжудлиги Ўзбекистонда санъатнинг ривожига берилётган бекиёс эътибордан далолатдир. Санъат қосонаси фойсига ишланган ранг-

баранг паннолар ҳам Юртбошингизнинг таклифи асосида яратилибди. Улар устозлар ва талабаларга ҳаммаша илҳом бағишлаб туради.

Яна бир муҳим жиҳат — консерватория учун зарур мусиқа асбоблари Япония, Германия, АҚШ каби ривожланган давлатлардан келтирилибди.

Бевосита семинар мавзусига келсак, Ўзбекистон қасаба уюшмалари фаолияти, иш тажрибаси билан яқиндан танишар эканмиз, меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан химоялаш борасидаги ишлар эътиборини тортиди. Ишловчилар, уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масаласига эътибор кучли экан. Қаранг, ўтган йилги мавсумда ҳукумат қарорида мувофиқ Оролбўйи аёллари ва болаларини соғломлаштириш мақсадида улар республикадаги энг яхши, энг шимна шифо масканлари, болалар оромгоҳларида бепул дам олдирилибди.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат қасаба уюшмалари фаолиятида ижтимоий шерикчилик тизими ўз ўрнини тобора мустаҳкам эгаллаб бораётгани ҳам ЎзКУФК фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири деб эътироф этилди, анжуманда. Чунки, бу тизим ҳодимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатига оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда бекиёс аҳамият касб этмоқда. Халқаро анжуман бир-биримизга ўргатиб, бир-биримиздан ўрганиш маъносиде жуда фойдали бўлди. Қасаба уюшмалари етакчиси сифатида ўзимни ўйлантираётган, тўлқинлантираётган жуда кўп саволларга жавоб олдим. Уларнинг бари келгуси ишимизда гоятда асосатди.

Ўзбек ва қозоқ халқлари асрлар оша дўсту қадрдон бўлиб, бир-бирларига ҳаммаша юксак ҳурмат кўрсатиб яшаган. Юртингизда бўлиб, иссиқ меҳрингизни дилдан туяар эканман, ана шу дўстлигимиз, ҳамқору ҳамжиҳатлигимиз янада мустаҳкамлансин, борди-келдиларимиз кўпайсин, деб ният қиламан.

Сиязбек МУКАШЕВ,
Қозогистон Республикаси қасаба уюшмалари Федерацияси раиси.




МАРМАРТАРОШЛИҚДА АЖОЙИБ ТЕХНОЛОГИЯ

Қозогистон ва Украинада нуроталикларнинг савдо уйлари очилди.

Хомашё сифатидаги бир кубометр мрамартошнинг бугунги нархи ўртача 22 миң сўм, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига «Қарерамармар» корхона раҳбари Шерзод Эгамов. - Агар шуни ўзимиз қайта ишласак, ундан 15 квадрат метр мрамар плита олинади, нархи эса 90 миң сўмни ташкил этади. Шунинг учун биз Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан қарз олиб 1999-2000 йилларда «Нуротамармар» ва «Ғозномармар» корхоналарига Италия фирмаларида тайёрланган мрамарга ишлов берувчи энг замонавий ускуналарни келтириб ўрнатдик. Янги технология ўз самарасини бермоқда.

Дарвоқе, нуроталик мрамартош усталари ўз маҳсулотларини ҳозирги кунда нафакат мамлакатимизда, балки ундан ташқарида ҳам катта миқдорда сотмоқдалар. Эндиликда улар Қозогистоннинг Олмайти, Украинанинг Днепрпетровск шаҳарларида ўз савдо уйлариини очдилар.



Айни кунларда марҳаматлик пахтақору галлақорларнинг қўли-қўлига тегмайди. Улар 5523 гектар майдонда галла, 6910 гектарда униб чиққан гўза ниҳолларини парваришлаш, галла ҳосилига пухта тайёргарлик кўриш ишлари билан машғул бўлаётир.

Айниқса, галла мавсумига техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқариш ва ўрмга шай қилиш туман машина-трактор парки жамоасига катта масъулият юклайди. Шу боис улар барча меҳанизмларни бу йилги ҳосил ўрми-йиғимни учун

ҳозир қилиб қўйдилар.

Суратларда: комбайнчи Насиржон Мадумаров; туман машина-трактор паркида.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.

Қўшма корхона — хориж ишончи

Мамлакатимиз иқтисодиёт таркибининг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, тармоққа чет эл технологияси ва сармояларини жалб этиш тайёр маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқиш имконини беради.

Хоразм вилоятида иқтисодий ислохотларни рўйбга чиқариш, бозор жараёнларини бошқичма-бошқич амалга ошириш, иқтисодиётни эркинлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар воҳанинг экспорт салоҳиятининг ўсишига хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда чет эл инвестициясини жалб қилиш асосида Туркия, Англия, Хитой, Олмония ва бошқа давлатларнинг фирмалари билан ҳамкорликда ташкил топган қўшма корхоналар, энгил шаҳарда мажмуалари ўзининг рақобатбардор тайёр маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан муносиб ўрин олмақда.

Хитой технологияси ўрнатилган, йилгига 1 миллион пагонметр ипак газламалар ишлаб чиқарадиган «Хоразм ипаги», Богот туманида Англиянинг «Вериман» фирмаси билан ҳамкорликда йилгига 2500 тонна толадан тиббиёт пахтаси, Хонқа туманида Россиянинг «Камийшина» фабрикаси билан биргаликда 1600 тонна ип газламаси ва 10 миллион пагонметр турли газламалар тайёрлайдиган корхона, Урганч мебель фабрикасида Олмониянинг «Мейер» фирмаси ёрдамида медицина тўшақлари ишлаб чиқарадиган фабрикалар ишга туширилди.

Гурлан туманида Туркиянинг «Язекс», Урганчда Франциянинг «Сенаско» каби фирмалари билан ҳамкорликда янги корхоналар қурилди. Айниқса, Олмония билан «Мерседес-Бенц» юк автомобилари заводининг ишга туширилиши ви-

лоят маҳаллий бюджетини сезиларли даражада юксалтириш имконини беради.

Вилоят тадбиркорлар қасаба уюшмаси қўмитаси ишбилармонларга кўмаклашиш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш ва ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари, манфаатларини химоялашга қаратилган чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Корхона, ташкилот, муассасалар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда мавжуд муаммоларни, бартафаз этиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Иш берувчилар билан қасаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномаларида қўйилган вазифаларининг бажарилиши қатъий назоратда.

Айни пайтда вилоят тармоқ қасаба уюшма қўмитаси ҳисобида 2114 та бошланғич ташкилот бўлиб, улардаги аъзолар сони 17423 нафарни ташкил қилади. Шундан 6838 нафари хотин-қизлардир. Икки йилда ташкилотлар 702 тага, ишловчилар сони 3204 нафарга кўпайди.

Вилоятда 33 та қўшма корхоналар бўлиб, уларнинг экспорт ҳажми 370,2 миң, импорт ҳажми 170,6 миң АҚШ долларига тенг бўлди.

Тадбиркорларни ижтимоий химоялашда ўрта ва кичик бизнес субъектлари билан тузилган жамоа шартномалари му-

лоят ишчи-хизматчилари, инженер-техник ҳодимларга бепул тушлик овозта бериш йўлга қўйилди. Ишловчи аёлларга бола туғилганлиги муносабати билан бир ойлик ёрдам пули, меҳнат таътилига уч кун қўшиб бериш, эмизикли оналарнинг тушлик, оқватлиниш вақтини бир соатга кўпайтириш каби имтиёзлар киритилган.

Тадбиркорлар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўзининг сифати билан давлат ташкилотлариникидан қолишмайди. Республика миқёсида ўтказилган қўриқ-танловда Урганч шаҳридаги аккумулятор ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Мини» корхонаси (раҳбари А.Қаландарова, қасаба уюшма бошланғич ташкилоти раиси П.Машарипова) қолибдики эгаллаб «Нексия» энгил автоташинаси билан тақдирланди. Вилоят қўриқ-танловда «Роза», «Отбек» хусусий корхоналари, хунармандчилик бўйича яқна тадбиркор Ш.Собирова, тивувчилик устаси Ф.Болтабоевлар қолиб бўлдилар.

Ҳодимларни ижтимоий химоялаш ва уларга қулай иш шартнолар яратиш бериш соҳасида «Яшнар», «Ротар», «Стройдорселмашсервис» жамоа корхоналари қасаба уюшма ташкилотлари раислари Норгул Жуманиёзова, Озод Сатторов, Ҳайитбой Рўзиметовларнинг фаолияти ибратли. Уларнинг ташаббуслари билан 50 нафардан ортиқ тадбиркорлар дам олиш масканларида, 25 нафар ходим

санаторийларда даволанди. 200 нафардан ортиқ болалар оромгоҳларда ўз соғлиқларини тикладилар.

— Кичик ва ўрта бизнес субъектларини ривожлантиришга хориж сармояларини жалб этиш, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, кредитлар олиш ва улардан фойдаланишда ишбилармонларга яқиндан кўмаклашмоқдасми, — дейди вилоят тадбиркорлар қасаба уюшма қўмитаси раиси Бахтиёр Ибрагимов. — 1999 йилда 2 та корхонага 5375 миң доллар, 2000 йилда 2935 миң доллар ва 2001 йилда 1 та кичик ва ўрта бизнес субъектига 4783525 АҚШ доллари миқдорда кредит олинди. Бундан ташқари, яқна меҳнат фаолияти билан шугулланаётган ва уюшмамизга аъзо бўлган 850 нафардан ортиқ тадбиркорларни қўллаб-қувватлашмиш.

Айни пайтда уюшмани ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, аъзолар сонини ўстиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Шовотдаги «Шовот», «Мрамор», «Арқончи», «Карпед», Хазорасдаги «Хоразм шакар инвест» корхоналари ходимлари ҳам қасаба уюшмаларига аъзо қилиб олинди.

Қарияларни қадрлаш йилида қўмита ўз тадбирларини ишлаб чиққан. Қасаба уюшмалари Урганчда бунёд этилаётган «Оталар» чойхонаси қурилишида фаол қатнашди. Уруш қатнашчилари, қариялар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатилиб, имтиёзли йўлланмалар билан санаторий, профилакторийларга юборилапти.

Қўмита қасаба уюшмаларини иқтисодий-ҳуқуқий химоялаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда иш юритилмоқда.

И. ИСОМУДИНОВ.

Ўзги соғломлаштириш ОРОМГОҲЛАР БАРВАҚТ ШАЙ ЭТИЛАДИ

Самарқандда ўзги соғломлаштириш мавсумига тайёргарлик ҳар йилгидан барвақт бошланади. Оромгоҳларни таъмирлаш ва уларни баҳаво дам олиш масканларига айлантириш ишларига киришилди.

Вилоятнинг сўлим табиати, тоғлар ва тоғ олди худудларидаги кўркам манзиллар ҳадемай келажак авлод вакиллариини ўз бағрига олади. Бултур 31 та доимий, 2 та кундузги оромгоҳларга 18 миң ўринга 18431 бола дам олди. Шундан 240 нафари Хоразм ва Оролбўйи минтақасидан келган ёшлар, 165 нафари меҳрибонлик уйлари ва махсус мактабларнинг тарбияланувчиларидилар.

Болалар ва ўсмирларнинг ўзги соғломлаштиришини ташкил этишда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмалари вилоят қўмитасининг Ибн Сино номили «Янгиобод», «Пангат», агроаноат мажмуи ҳодимлари қасабақўмига қарашли «Соғлом авлод», «Учкун», «Баҳора», А.Мўминов номили, «Камалак», меҳел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ҳодимлари қўмитаси ихтиёридаги «Койнот», З.Эргашев номили оромгоҳларнинг ҳодимлари катта ҳисса қўшдилар.

Қасаба уюшма ташкилотлари томонидан кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ёлғиз оналар ва уларнинг фарзандларини ижтимоий химоясини таъминлаш мақсадида йўлланмаларнинг 60 фоизи бепул, қолган қисми

имтиёзли қилиб берилди. Каттақўрғон туман кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси тасарруфидаги Анвар Раззоқов раҳбарлик қилаётган А.Мўминов номили оромгоҳнинг ёрдамчи ҳўжалигида турли хилдаги нознеъматлар етиштириляпти. Кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларидан тушган қўшимча даромад ҳисобига 100 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандларига йўлланма билан текин ажратилган. Бу ерда дам олган 663 нафар ўғил-қизнинг йўлланмалари учун отаоналар томонидан тўланадиган қисмидан тўлик озод этилди.

Мавсумда «Самарқанд» савдо концерни, «Матлуботсавдо», «Мевасабзавотузумсаноат» акциядорлик уюшмалари, уларнинг шаҳар, туманлардаги бўлимлари орқали озик-овқат маҳсулотлари, савзавот, мевачева ва ширинликлар билан имтиёзли нархларда таъминладилар. Дам олувчиларнинг соғлиғини малакали шифокорлар назорат қилиб турди. Спорт-соғломлаштиришга эътибор кўчайтирилди.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ишлари бошқармалари, (Давоми 3-бетда).

Тошкентда давом этаётган «Заргарлик-2002» халқаро кўргазма-ярмаркаси доирасида «Биллур либос» халқаро модалар фестивали бўлиб ўтди.

«БИЛЛУР ЛИБОС» НАМОЙИШИ

«Зарафшон» концерт залида ташкил этилган маъруза тадбирда мамлакатимизнинг ёш моделер-дизайнерлари, шунингдек, кўп йиллардан бунён шу соҳада фаолият юритаётган либос усталари томонидан яратилган коллекцияларга кенг ўрин берилди. Айниқса, Анастасия Данилованинг «Шахризаданинг янги эртақлари», Саида Амирининг «Чўл афсонаси», Раиса Сирицованинг «Тумор» деб аталган либослар жамланмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Аксарият либослар миллийлиги, мавсумбоплиги, маҳаллий матолардан яратилган билан эътиборни тортиди.

Шунингдек, фестивалда арманистонлик Эрна Янон, қозогистонлик Мухаммад Хаёт, киргизистонлик Султон Солиев ва бошқалар ҳам ўзлари яратган либослар тўпламини намойиш этди.

(ЎЗА).

Сирдарё туманида яшовчи фуқаролар Жумали Дарсидзе ҳамда Каҳхор Қўшма-Товдан шикоят хати олди. Хар иккала арзнома юзасидан журналист суриштируви ўтказилди.

Олтмиш икки ёшни қаршилаган Ж. Дарсидзе 1975 йилда ишлаб чиқаришда рўй берган бахтсиз ҳодиса туфайли саломатлигини йўқотиб нафақага чиққан. Уша вақтлар ногиронни қўллаб-қувватлаб туришган. Бироқ 1998 йилда у меҳнат қилган Бахт шаҳридаги «Рисстрой» автокорхонаси иқтисодий заифлиги боис Янгиер шаҳридаги 5-автокорхонага қўшиб юборилди. Оқибатда унга корхона томонидан тўлаб келинаётган қўшимча пенсия пули берилиши тўхтади. Ноғирон ҳаётида қийин давр бошланади.

— Ўзгалар қаровига муҳтож бўлиб қолдим, — дейди у. — 5-автокорхонага кўп катнадим. Улар қолиб кетган юз миң сўмдан зиёд пулимни

тўлашни пайсалга солиб келишмоқда. Дарҳақиқат, корхона раҳбарлари мана, тўрт йилдики ногиронга ваъда бе-

ришдан нарига ўтишмаяпти. Таассуфки, жамоа бошланғич қасаба уюшма ташкилоти негадир бу ҳолга томошабин бўлиб турибди. Фуқаро Каҳхор Қўшма-Товнинг қўлига қалам тутиб шикоят арзига ёзишига сабаб ичимлик суви муаммоси ўз ечимини топмаётир. Тумандаги «Янги ҳаёт» ширкатлар уюшмаси худудидаги «1-Май» кўчасида бўлиб, у ердаги аҳвол.

Муаммо ечимини кутади

билан танишдик. Етти йилдан бунён ечим топмаётган жумбоқ қуйидагича: 1997 йил «1-Май» кўчасида Бахт шаҳридаги «Марказий Осие» корпорацияси ўз ҳодимлари учун дала ҳовлилари қурилишини бошлади. Шу кўчадан қудқ қазиб

«ЯНГИ ҲАЁТ»ГА БИР ҚИЁ БОҚИНГ

сув минораси ўрнатади. Аммо дала ҳовли ҳам, сув минораси ҳам поёнига етмасдан тўхтаб қолган. «1-Май» кўчаси аҳли эса ана шу сув минорасини ишга тушириш илнжиде тинмай елиб-югурмоқда. Биз ҳам туман, ҳўжалик раҳбарлари билан мулоқотда бўлдик. Бироқ улардан турли «узрли» баҳоналарни эшитдик, холос. Бу ҳолда хали-бери қудқ

ОЛИМ ТАВСИЯСИ

Самарқандда вилоят «Тадбиркор аёллар» уюшмаси ва Италиянинг ривожлантиришга кўмаклашувчи ассоциацияси ҳамкорлигида «Аёллар маркази» ташкил топди.

Яқинда бу ерда ўтказилган семинарда Самарқанд ва Жиззахдаги нодавлат ташкилотлар ҳуқуқшунослари, психолог ҳамда тиббиёт ходимлари иштирокида оила ва жамиятда аёлнинг тутган ўрни, ижтимоий ҳаётда уларнинг мавқеини ошириш, саломатлигини сақлаш, ҳуқуқий савиясини кўтариш тадбирлари ҳақида фикрлашиб олинди.

Семинарда Италиялик психолог Ферри Александранинг бу борадаги маслаҳат ва тавсиялари тинланди.

Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Мехр-мурувват кунда керак

ҲАР ҚАНДАЙ ЯХШИЛИК — САВОБДИР

Тошкентдаги гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институтининг мўъжазгина залда мусика оҳанглари янграйди. Кўшиқ рақсларга уланмоқда.

— Бугун биз Халқаро Гемофилия беморлари кунини муносабати билан белгиланган тадбирни ўтказаямиз, — деди институт бош шифокорининг муовини Ҳамида Қозокбоева. — Мазкур тадбир институт раҳбарияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўтказилмоқда. Маълумки, гемофилия ирсий хасталик ҳисобланади, қон ивиши вақтининг кескин охири кетиши билан тавсифланади. Ушбу касаллик авлоддан авлодга ўтиб, болаликдан бошланади. Дастлаб бурун ва милкларнинг қонаши кузатилиб, баданининг турли ерларида қон талашлар, кўкаришлар учрайди. Одатда бундай хасталикка учраганларнинг бирор ерлари тирналганда ёки шиллинганди, кесиб олинганда жароҳатдан қон тўхтамайди. Беморлар ўн кунлаб, ҳатто, ойлаб даволашга мажбур бўладилар. Бу касаллик халқ орасида «шоҳ-касал» деб юритилган. Мана бугун шифохонамизда даволанаётган беморлар учун ушбу тантанани ташкил этдик. Унга Ўзбекистон Республикаси қўшма ривожланиш бирлашмаси каби бир неча ташкилотлар ҳамийлик қилишмоқда.

Касалликка чалинганлар институт клиникасида доимий рўйхатда туриб даволанишда. Ҳўш, уларни даволаш учун қан-

дай чора-тадбирлар қўлланилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун соғлом инсон қонидан плазма ажратиб олиниб, ундан шифобахш препарат тайёрланади. Бу Гемофилия касаллигига чалинган беморлар учун энг зарур малҳам ҳисобланади. Афсуски, бу ҳам касалликни узиш-кесил даволайдиган восита эмас. Мазкур касалликни тўла-тўқис даволаш йўллари ҳанузгача жумбоқ бўлиб келмоқда.

Кейинги вақтларда давлатимиз раҳбарияти томонидан ногиронларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, беморлар олдида турган айрим муаммоларни ҳал қилиш мақсадида 2000 йилнинг 20 сентябр кунини Тошкент шаҳар Гемофилия беморлари жамияти тузилди.

— Жамиятни тузишдан мақсад беморлар учун кенг имкониятлар яратишдир, — деди суҳбатга қўшилган жамият раисининг муовини Зафаржон Бехбудов. — Шунингдек, биз уларни тантанани ташкил этдик. Унга Ўзбекистон Республикаси қўшма ривожланиш бирлашмаси каби бир неча ташкилотлар ҳамийлик қилишмоқда.

Касалликка чалинганлар институт клиникасида доимий рўйхатда туриб даволанишда. Ҳўш, уларни даволаш учун қан-

қунгача кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Масалан, Халқаро Гемофиликлар федерацияси билан мутахассислар билан алоқа ўрнатилди. Эндиликда чет элда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишиш ҳамда илғор иш тажрибаларини амалда қўллаш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, турли хайрия тадбирларини ўтказиш, донорлар сафини кенгайтириш жамиятнинг асосий вазифаларидандир.

— Савоб ишни ҳар кунини, ҳар бир киши қилиши кераклиги ҳақидаги Президентимизнинг доно маслаҳатларига амалий жавобни ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз лозим, — деди шифохона бўлим мудири Суннат Топшўлатов. — Мана шунга кўра институтимиз шифокорлари ҳам бугун Халқаро гемофилия беморлари кунини қон топиширишга аҳд қилгандик. Шунингдек, бизга беиминнат ёрдам кўрсатувчилар ҳам кун сайин ортиб бормоқда. Мана бугунги тадбиримизга «Сарбон» гуруҳи ташриф буюриб, беиминнат хизмат қилишмоқда.

Ҳа, албатта, халқимизда «Ҳар қандай яхшилик — савобдир» деган нақл бор. Шундай экан кўлимиздан келса, мухтождардан ўз ёрдамимизни аямайлик. Мақсад битта, токи, беморлар ўз дардларига шифо топиб, ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларига эга бўлсин.

Н.РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.



Ангрен шаҳридаги «Кулол» ҳиссадорлик жамиятида ишчиларга қулай иш шароити яратилган. Уларнинг моддий манфаатдорлигига алоҳида эътибор берилди. Маъмурият ва бошлангич касаба уюшма ўртасида тузилган жамоа шартномасида ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқларини тиклаш каби бандлар ўз аксини топган. Ҳиссадорларнинг дивидент пуллари ҳам ўз вақтида тўланаётир. Натижада ишчилар ўз вақтида қўлларини қўйиб ишламоқдалар. Хусусан, улар ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳозирги замон талабига жавоб бериши билан ажралиб туради.

Суратларда: (чапдан) ишчилар Гулчеҳра Исмаилова, Марҳамат Азимовалар.

Ф.ХИДИРОВ
олган суратлар.



Ўткир ичак касалликлари — энг кўп тарқалган хавфли хасталик ҳисобланади. Бизнинг ис- сик климат шароитимизда бу касаллик айни- са кўп учрайди. Шунинг билан алоҳида таъкидлаш ке- ракки, бу касаллик ёш болаларда кўп учрай- ди, чунки ўсаётган болалар баданида химоя кўчлари заифроқ бўлиб, касаллик ривожига осон кечаяди.

Биз бу касалликни қайси микроблар келтириб чиқариши, уларнинг турлари, клиникаси ҳақида тўхталиб ўтирмай, балки унинг олдини олиш ҳақида шифокор кўрсатмаларини тавсия этаемиз. Чунки хасталикни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Юқумли ичак касаллигининг олдини олиш учун қўйидагиларга амал қилиш керак: — Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, қўлнинг тозаллигига алоҳида эътибор бериш зарур. Овқатланишдан олдин қўлларни совунлаб

Шифокор оғоҳлантиради

ланиш зарур. — Уйда тайёрлаб бозорда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотларини ва таомларни харид қилишда эҳтиёт

қилиш зарур, чунки уларнинг кўпи тез бузилувчан (хасип, хонин, норин, қандолат ва торт) маҳсулотлардир.

— Санитария талаб ва қоидаларига зид равишда бозорларда, бекатларда, аҳоли гав- жум жойларда сотилаётган айрон, қимиз, ўрик шарбат ва бошқа ичимликларни истеъмол қилиш ярамайди. — Уй шароитида санитария ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш баробарида пашшаларга қарши

курашишни ҳам унутмаслик керак. Касаллик белгилари куйидагича кечади.

Беморнинг танаси зирқираб оғрийди, дармон қурийди, иштаҳаси йўқолади, қоринда оғриқ пайдо бўлади, боши оғрийди, тана ҳарорати кўтарилиб, айрим ҳолларда қусатиш шунингдек, тез-тез ички кетиши кузатилади.

Касаллик белгилари содир бўлганда зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур. Чунки юқумли ичак касаллигининг асоратлари жуда хавфли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин.

Б. УМАРОВ,
Бектемир тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош ҳақими.

27 НАФАР ТАЛАБАГА — ТАЪЛИМ КРЕДИТЛАРИ

Навоий вилоят тижорат-саноат қурилиш банки кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган йил давомида 257 та ўрта ва кичик бизнес субъектлари, 125 нафар яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Уларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 664,3 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шундан 113,8 миллион сўмини имтиёзли кредитлар таш-

Банк кўмаги

кил этди. Бу ўз навбатида вилоятда 573 та янги иш ўрни яратиш имконини берди. Вилоятда маҳсулот ишлаб чиқариш тури кўпайди. Жумладан, «Карманасут» ишлаб чиқариш корхонасига киритилган 8 миллион 240 минг сўм кредит ҳисобига бу ерда сариёғ, пишлоқ, қатик, қаймоқ, творог, бринза ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва янги 12 та иш ўрни вужудга келди. «Файз-2001» хусусий корхонасида эса 3.300 минг сўмлик ўрта муддатли кредит ҳисобидан кичик ускуна ва жиҳозлар сотиб олиниб, бугунги кунда замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. «Н.Темур» хусусий фирмаси банк ёрдами билан тикув машиналари ва жинси материаллари сотиб олиб, қурилиш қўлқоплари ва иш кийимлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Хусусий тадбиркор А.Файзиев ўрта муддатли кредитга дурадгорчилик ускуналарини харид қилиб эшик, дераза ромларини ишлаб чиқармоқда.

Банк фақат иқтисодий соҳаларни ривожлантириш билан чекланб келмай, балки ёшларимизни ҳам етук ва олижаноб кишилар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунда банк томонидан ажратилаётган таълим кредитлари жуда муҳим ўрин тутмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида навоийлик 27 нафар талаба 3.540 минг сўмлик таълим кредитларини олди. Жорий йилда эса шундай мақсадли кредитлар миқдорини янада кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ОРОМГОҲЛАР БАРВАҚТ ШАЙ ЭТИЛАДИ

(Боши 2-бетда). таъмирлаш юмушлари сифатсиз бажарилди, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, тиббиёт, спорт анжуманлари билан ётарли таъминланмади. Сиеб туманидаги «Гелион» оқим турдаги ҳиссадорлик жамиятининг Ю.Гагарин номли оромгоҳи давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш худудий бошқармаси ва корхона раҳбарияти томонидан молиявий имкониятга эга бўлмаган жисмоний шахсга сотиб юборилган. Худудий савдо ишлаб чиқариш концернига қарашли «Юлдузча» болалар оромгоҳи ночорликдан «Гулистон» масъулияти чекланган жамияти тасарруфига ўтказилди ва у анчадан бери тўлиқ фаолият кўрсатма- япти. Пастдарғом туман сув хўжалиги бошқармасига қарашли «Нуратош» болалар оромгоҳи моддий-техника базаси талабга жавоб бермаганлиги учун ўтган мавсумда ишлагани йўқ. Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари иштирокидаги «Хумор», «Кўшчнор», Халқ таълими бошқармасининг «Афросиёб» оромгоҳлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан ётарли миқдорда таъминланмаган.

Эзи дам олиш мавсуми бошланганига оз вақт қолди. Бу йил 31 оромгоҳда 18 мингдан ортиқ болалар ҳордиқ чиқарила. Мутасадди ташкилотлар, касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ва унинг кўмиталари бултур йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб олиб, бу йилги дам олиш мавсумини ушқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирларини куришлари керак.

ЭЛКИН.



«ДИЁР» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Фарғонада бошланадиган «Умид ниҳоллари-2002» мусобақаларига тайёргарлик жараёнида касаба уюшмалари вилоят Кенгаши ва унинг тармоқлари фаол иштирок этишди. Жумладан, мусобақанинг стол тенниси тури иштирокчилари жойлашадиган касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг «Диёр» ўқув-соғломлаштириш марказида катта ҳажмдаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Уқув марказимиз ушбу мусобақа шарофати билан бутунлай ўз қиёфасини ўзгартирди, — дейди маскан раҳбари Ёкубжон Саримсоқов. — Касаба уюшмалари вилоят Кенгашининг раҳбарлигида Марғилон қурилиш трестининг Авазбек Фаниев бошлиқ 7-қурилиш ташкилоти ишчилари 28 миллион сўмлик таъмирлаш юмушларини амалга оширишди. 5 миллион сўм маблағ ободонлаштириш ишларига сарфланди. 1000 тулга яқин мевали ва манзарали кўчатлар, гуллар ўтказилди.

«Умид ниҳоллари» қатнашчилари мусобақа давомида яшайдиган 78 ўринли ётоқхона янги мебеллар, телевизорлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. «Диёр» ўқув-соғломлаштириш маркази мусобақа қатнашчиларини қабул қилишга тайёр.

С. МҮЙДИНОВ.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

РИМ 2755 ЁШДА
Айни кунларда Италия халқи ўзининг пойтахт шаҳри Римнинг 2755 ёшини кенг нишонламоқда. Буюк алломалар, шоирлар, мустақил қироллар умргузаронлик қилган мазкур шаҳар шу кунларда ўзгача латофат касб этмоқда. Зеро, ушбу байрамга, айтиш мумкинки, бутун мамлакат аҳолиси катта тайёргарлик кўрди. Бош вазир Сильвио Берлусконни номига фуқаролардан кўплаб табрикномалар келмоқда.

БОРИСЛАР ТИЛГА ОЛИНДИ
Жаҳон оммавий ахборот воситалари қизиқарли хабар тарқатди. Рамаллох шаҳрида уй қамонига бўлган Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўзидан кейинги эҳтимол тутилган ворислар номини эълон қилди. Унинг гапларига қараганда, агар Ё.Арофат ҳалок бўлса, ёки қамонга олинса, ёхуд мамлакатдан зўрлик билан чиқариб юборилса, Фаластин раҳбарияти 5 нафар кишидан иборат бўлади. Улар мамлакатни биргаликда ба-

маслаҳат бошқарадилар. Мазкур гуруҳга мухторият қонунчилик кенгаши раиси Аҳмад Қураййа, Фаластин ижроия қўмитаси раиси Махмуд Аббос, маъмурият ахборот ва маданият департаменти бошлиги Ёсир Абд Раббо, Ҳазо минтақасидаги хавфсизлик хизмати раҳбари Муҳаммад Даҳлан ва маҳаллий маъмурият ишлари бўйича департамент бошлиги Соип Эрикатлар киритилди.

КАСПИЙ БЕШГА БЎЛИНАДИ...МИ?
Туркменистон пойтахти Ашгабадда бугун очиладиган саммитда асосан битта масала муҳокама этилади. У ҳам бўлса, Каспий денгизи мақомини белгилашдир. Россия, Туркменистон, Озарбайжон, Қозғистон ва Эрон президенти мазкур сув манбаини беш «парча»га бўлиш муаммосини ҳал қиладилар.

«ОМОН»ГА ҚАРШИ ТЕРРОР
Чеченiston пойтахти Грозний шаҳрида катта террорчилик хуружи амалга оширилди. Махсус вазифини бажариб келаятган «ОМОН»чилар тушган икки машина тўсатдан портлаб кетди. Бу чечен жангариларининг қилмишидан бошқа нарса эмас эди. Оқибатда 18 нафар ҳарбий воқеа рўй берган жойда дарҳол дунёдан кўз юмдилар. Мазкур жиноятни дала кўмондони Ридван

Аҳмадов уюштирган, деб ҳисобланмоқда. Гумон қилинган бир неча киши ҳибсга олинди.

ХИБСХОНА — БЕШ ЮЛДУЗЛИ МЕҲМОНХОНА
Ҳозирги кунларда АҚШдаги энг машҳур қамонхона — Сан-Францискодаги Сан-Квентин ҳисобланади. Зотан, у уммон соҳилида, шох йўл ёқасида жойлашган. Шу боис бўлса керак, яқинда уни шаҳар маъмурияти меҳмонхонага айлантиришга қарор қилди. Унинг машҳур бўлишига бу жойда энг дондгор маҳбусларнинг қамонда бўлганлиги таъсир кўрсатди. Жумладан, Роберт Кеннедининг қотили Шерхон деган кимса ўлимни кутиб ҳужралардан бирида ётган. Меҳмонхона ташкилотчиларининг уйлагани тўғри чқди. Ҳозир ушбу меҳмонхонада туришни истаган сайёҳлар, америкаликлар ва чет элдан келган кишиларнинг сон-саногини йўқ, деб ёзади «Чикаго-сан» газетаси.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Назм бўстонида

МЕХРУ ВАФОНИ МИСҚОЛЛАБ ТОПДИМ

Ойдин ХОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси.



Кулбамни ёритди шамъи саодат.

Бунда ўчоғининг кулида — меҳрим,
Ҳар гишти, сомони, гилида — меҳрим.
Майин аллаларим тинглаб йиғлаган,
Васса чўларининг тилида — меҳрим.

Мен меҳру вафони мисқоллаб топдим...

Бу жароҳат чуқур,
Азоб — аччиқдир,
Сабрдан ўзга бир табиби йўқдир.
Ярадор кийикдай
Бир чашма қидир,
Аллоҳнинг сенингдек
Ҳабиби йўқдир.

Изла равочларнинг
Илдизларини,
Меҳригилларнинг қирмизларини,
Ё кўли Куббонинг жазирасида
Кумғондай қайнар қум-денгизларини!

Сени хўп сийлади дард билан ҳаёт,
Яна шифосин-да берди меҳрибон.
Адашдинг, мункидинг, чиқардинг қанот,
Гоҳ бошинг осмонда, гоҳо дилинг қон.

Давраларга кирдинг иззатли, камгап,
Кучоғини очди басавлат элинг:
Алқади, суяди ўз қизи атаб,
Эл ичинда қисқа бўлмади тилинг.

Энг баланд минор ҳам Ердан юксалар,
Сенинг таянчинг шу, собит юлдузинг:
Дуога қўл очиб қолган кексалар
Доно сўзларидан излагин ўзинг!

Сенинг таянчинг шул, собит юлдузинг!

"Ишонч" газетаси муҳлисларига
барча орзулари ижобат бўлсин,
дўст тиллақ билдирилан.
Суяганинчи — ҳаётда ишонч,
ўзинишга — ишонч, дўстларга
шомонг бўлсин!
О. Сайёра

ВАТАН

Сўрамангиз қайда деб, муштоқ кўнглимда Ватан,
Мен ўтар бўлган юксак, порлоқ йўлимда Ватан,
Бахт қушидай ардоқли ҳар чоқ кўлимда Ватан,
Меҳру ихлосдан равшан чақноқ кўзимда Ватан.

Мен-ла эгиз тугилиб, ўсиб-улғайгани рост,
Онадан кучиб, қойиб жонидан суйгани рост,
Чўқиларга йўл солсам, елкасин қўйгани рост,
Энг эзгу, энг муқаддас, чанқоқ сўзимда Ватан!

Мен ўтарман изида кўклам қолган сой каби,
Бошоқларин мағзи тўқ баҳорги бугдой каби,
Вақт келиб фурсат қўли аниқ отган ёй каби
Ишончу имонимда, сўнги кезимда Ватан.

Ватан дедим, бу юрак гуруллади ёзу киш,
Умидсиз дамларимни мунаввар этди севинч,
Орзум иморатига бўлганида асос синч,
Кўрдум: мушкул онимда, сабру тўзимда Ватан.

Гулга кирган дарахтдай умрим меваси бу шеър,
Забонимнинг ўзгармас, асл шеваси бу шеър,
Тоғнинг, дарёларнинг ҳам онасидир камтар Ер!
Менинг толе осмоним, бахт юлдузимда Ватан!

Мен обрў-шонимни топдим мисқоллаб,
Меҳнат йўллариди зарралаб топдим.


Ҳар тишлан номини топдим ҳалоллаб,
Пешона терим-ла, юрагимни арралаб топдим.

Арпа экиб, бугдой кутган чоғим йўқ,
Ўзга хирмонига солмадим назар.
Фарқ пишган боғимни гоҳ талаб чумчуқ,
Гоҳ дўлу жалалар етказди зарар.

Тишни тишга босиб, белимни боғлаб,
Чумолидай тун-кун билмадим роҳат.
Фаришта кетмади дилдан йироғлаб,

Оммавийлик
йўлида
ҲОМИЙ
ТАШАББУСИ

Оққўрғон туманидаги Сафар Бўриев номи 4-ўрта мактаб ўйингоҳида катта спорт тадбири бўлиб ўтди. Мазкур оммавий тадбирни яқиндагина мактаб қошида ташкил этилган «Умид ниҳоллари» спорт-соғломлаштириш жамиятининг ўзига хос тақдирот маросими дейиш мумкин. Зеро, байрам аввалидаги Отажон Эргашев, Ҳавохон Раимқуллова, Инкарбек Имашевлар мураббийлигидаги ёш спортчиларнинг кўргазмалли чиқишлари, кекса полвонларнинг беллашувлари барча тўплаганларда катта таассурот қолдирди. Шу билан бирга, О.Маъдиев, А.Бекбулатов, Қ.Маҳмамов, М.Белгибоев, А.Рисдавлатов, Ш.Умаров, Ж.Эркинов, А.Каримов, Ш.Жўраевлар иштирокидаги кураш, бокс ва тош кўтариш баҳслари иштироблар олқишига сазовор бўлди.



Истеъдод

КАРМАНА ТАРИХИНИ
ЁЗГАН ҚИЗ

Навоий туманидаги Б.Эсонов номидаги ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Шаҳноза Райимова Тошкентда бўлиб ўтган иқтидорли ўқувчиларнинг республика анжуманида Кармана шаҳри тарихи ҳақидаги илмий рисоласи билан қатнашди. Унинг тарихий далилларни тўплаш, тарихий фактлар устида мушоҳада юритиш, аналитик хулосалар чиқаришдаги истеъдоди мутахассисларда катта таассурот қолдирди. Анжуманда навоийлик қизнинг реферати энг юқори баҳога лойиқ топилиб, биринчи ўрин берилди.

Шаҳноза аъло ўқиш билан бирга Кармананинг бой тарихи, шонли ўтмишини ўрганиш, тадқиқ қилиш бўйича илмий ишини давом эттирмоқда. Унинг мақсади олий ўқув юртига кириб, талабалик давридаёқ илмий ишини ёқлашдан иборат.

(ЎЗА).

ҲАЁТИМИЗНИНГ РАНГЛИ ТАСВИРИ

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий ҳаётидаги ўзгаришларни фото суратлар, кўргазмалар орқали акс эттириб, уларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этади.

Уюшманинг кўргазмалли панолари тарихий маънавий бойлигимиздан унумли фойдаланилган ҳолда бугунги ўзгаришларни ёрқин рангларида ёритиб бермоқда. «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ўтган йили 7 ёшдан 20 ёшгача бўлган уста ва ҳаваскор расомлар иштирокида Ўзбекистон ёш расомлари асарлари танлови ўтказди. Шунингдек, Конституцияимизнинг мазмун ва мо-

ҳиятини ёш авлод онгига сингдириш мақсадида республика кўргазмаси ташкил қилинди. Бу ишга халқимизнинг сеvimли шоирлари Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаев шerryлар асосида «Асосий қонун сабоқлари» деб номланган плакатлар чиқарилди. Бу туркум республикамизнинг давлат рамзалари ва муқаддас она Ватан тимсолларига бағишланди. Давлат рамзалари ва Ватан тимсолларининг ҳуқуқий мақоми, конституцияга, Президентимизнинг асосий қонунимизга бағишланган асарлари, Ўзбекистон Конституциясига шарҳлар, шунингдек, танлики ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги илмий қарашлари

асосида белгиланди. Давлат рамзалари байроқ, герб, мадҳия билан бир қаторда давлатимизнинг дахлсиз белгилари ҳисобланган Давлат тимсоллари плакатларнинг асосий мавзуси қилиб олинди. 2002 йил «Қария» ларни кадрлар йили» муносабати билан «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ички ишлар вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, Ўзбекистон уюшмаси ҳамкорлигида миллий кадрлар ва Ўзбекистон Республикаси конституциясини тарғиб қилишда энг фаол қатнашган «Маҳалла оқсоқоли» республика кўрик-таловини ўтказиш борасида қизгин ишлар

олиб борилмоқда. — Тасвир инсон онгига таъсир қилувчи энг кучли воситадир. Бирон воқеани чиройли суратларда кўриш уни эшитгандан кўра хотирада узоқроқ сақланиб қолади, - дейди уюшма бошқарув раиси, Олий Мажлис депутати Исфандиёр Латипов. — Шу сабабдан плакатларимизнинг сонига эмас, асосан сифатига, ёритилаётган мавзунинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятига эътибор берамиз.

Шахло ХОШИМОВА.

Тошкент шаҳар Яққасарой туманидаги «Бахт изи» МЧЖ тугатилади. Давлолар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида Ҳисовқўлнинг кўча 17-а уйда ёки 23-42-41 телефони орқали қабул қилинади.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

БУГУНГИ КУН ҚАҲРАМОНИ

«Ўзбекино» компанияси «Бугунги кун қаҳрамони» мавзусида киносценарийлар танлови эълон қилади

Учинчи мукофот — 500.000 сўм.

Танловга юборилган асарларда миллий истиқлол гоёси тантанаси, турмушимиз ва тафаккуримизда рўй берган ўзгаришлар; адолат ва эзгулик йўлида матонат кўрсатаётган, Ватан манфаати учун фидокорлик намойиш қилиб яшаётган ва меҳнат қилаётган замондошимиз сиймоси, унинг маънавий дунёси, эътиқоди, орзу-ўйлари, интилишлари умумлашган бадиий-фалсафий ва ҳаётий заминда теран акс этган бўлиши керак.

ФОЛИБЛАР УЧУН МУКОФОТЛАР:

Биринчи мукофот — 1.000.000 сўм.
Иккинчи мукофот — 750.000 сўм.

Асарлар 50-60 саҳифадан ошмаслиги ва уч нусхада, 2002 йил 1 августга қадар «Ўзбекино» компаниясига жўнатилиши лозим. Танлов август ойида якунланади ва фолиблар аниқланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохкўчаси, 98-уй, «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси.

Телефонлар: 144-67-53;
144-67-54; 144-67-66.

Шахрисабзнинг
2700 йиллиги
олдидан

МОЗИЙДАН
ҚОЛГАН
МЕРОС

ЮНЕСКО қарорига кўра Шахрисабз шаҳрининг юбилейини нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Қадимий обидалар таъмирланиб, шаҳар хусусига кўрк қўймоқда. Шаҳардаги қадимий ёдгорликлардан бири шайх Шамсиддин Кулол мажмуасидир. Мажмуа ҳовлисида хунармандлар ўзлари яратган буюмлар кўргазмасини намойиш этдилар. Чеварлар тиккан қўл хунари намуналари хорижликлар диққатини ўзига тортди.

Суратларда: 1. мажмуа биносининг кўриниши. 2. хунарманд Фазилат Қодирова қаштачилик буюмини намойиш этмоқда.

Шавкат СУЛТОН
олган суратлар.

Футбол

«Пахтакор»ни қайси жамоа тўхтата олади? «Нефтчи» кўйган гов қийинчилик билан бўлса-да, ошиб ўтилади. Кўпчилик «Кизилқум» ушбу вази-фани уддалашга қодир, деб ҳисоблаганди. Қуни кечаги ўзаро баҳсдан сўнг бу унчалик жиддий фикр эмаслиги аён бўлди. Балки «Насаф» ёхуд «Навбахор» билан кечадиган беллашувларни кутмишга тўғри келар? Бир нарса деиши қийин. Бугунги кунда «Пахтакор» футболчилари намойиш этаётган ўйин бошқа жамоаларга нисбатан олганда бир поғона юқори баҳоланишга лойиқ.

Ўтказиб юборган жамоа эртага бундан-да мушкул ахволга тушиб қолмайдими? Саволлар кўп, жавоб эса битта — юзага келган вазиятни нима қилиб бўлмасин зудлик билан ўнглаш лозим. Чунки, бир

БАҲС ТОБОРА
ҚИЗИМОҚДА

Очиги, мураббий Виктор Жалилов ўз ихтиёридаги ёш ва муҳими, гоёт истеъдодли футболчилар билан чемпионликдан бўлак мақсад ҳақида сўзласа, мухлислар учун тушунарли ҳол бўлу-рди: Леонид Кошелев, Зайниддин Тожиёв, Александр Гейрих, Темур Копадзе, Сервер Жеперов... Шундайки, таркибдаги қарийб барча ўйинчиларни номма-ном санаш мумкин. Лекин футбол кутилмаган тасодифларга бой эканлиги билан ҳам қизиқарлидир.

Мамлакат чемпионати олтинчи тури натижалари фикримизни тасдиқлаши мумкин. Ахир, ким ўйлабди дейсиз, Бекободнинг «Металлург» жамоаси кимсан Юрий Саркисян шогирдлари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонишди! Лекин шундай бўлди. Биз аввалги турда «Пахтакор» жамоаси меҳмонда «Бухоро»ни нақ нақутга учратганини, йэни 5:0 ҳисобида устун келганлигини тошкентликларнинг бениҳоя кучли таркибга эга эканлигига йўйган эдик. Худди шундай ҳол ушбу турда ҳам содир бўлди. Жиззахнинг «Сўғдиёна» футболчилари Бухорода Усмон Тожев шогирдларини кўз очирмадилар. Ҳисоб — 0:4!

Келгуси турда Жиззахда айнан «Сўғдиёна» ва «Пахтакор» ўзаро орани очди қилиш учун майдонга тушажакларини инобатга оладиган бўлсак, биз юқорида кўйган савол ечимига «муддатидан илгари» ҳам жавоб топишимиз эҳтимолдан холи эмасдек туюлади. Дарвоқе, Бухородаги ютук Жиззахликларнинг ўзга

майдонда қўлга киритган биринчи ғалабаси. Ким билари, «Сўғдиёна» ушбу ишончли ғалабадан сўнг худди «Кизилқум» каби мавсум кашфиёти бўлишни ният қилиб кўйгандир?

Ниҳоят, олтинчи турда яна бир жамоа «ютуқлар» устунидида дастлабки ракамни ёзиб қўйишга эришди. Бу — «Трактор». Ўтган йили шу пайтларда пешқадамлар сафидида бораётган пойтахт жамоасининг хавфли зонага тушиб қолганлигига, шубҳасиз, ҳеч ким бефарқ қолонмайди. «Кўкун-1912» клуби билан бўлган учрашувдаги муваффақият (2:0) жамоани янада руҳлантиришга ёборади ва у ўз мактебини тиклаб олади, деган умиддаимиз.

Айни вақтда мутасадди ва мутахассислар диққатини «Бухоро» жамоасига қаратишни истардик. Клуб футболчилари нега бундай буш ўйин намойиш этишмоқда? Командадаги молиявий ва маънавий муҳит қандай? Икки учрашувда ўз дарвоқасидан жавобсиз тўққиз тўп

жамоани топиб бошқасини йўқотиш умумий жараёнга салбий таъсир ўтказиши табиий. Бунга эса, айниқса, ҳозир — футболимиз оёққа туриб олаётган бир пайтда асло йўл қўйиб бўлмайди.

Қолган учрашувларда кўйилган натижалар қай этилди: «Машъал» - «Насаф» - 0:2, «Навбахор» - «Дўстлик» - 3:1, «Самарқанд-Д» - «Зарафшон» - 1:0, «Андижон» - «Сурхон» - 4:2.

Хуллас, пешқадам маълум. У — «Пахтакор». Қайси жамоа унга рақобат қилишга, карвонбошини таъқиб этишга қодир? Ҳозирда иккинчи поғонада бораётган «Самарқанд-Д» командаси ушбу суръатни сақлаб қола олармикан? «Навбахор», «Насаф» ва табиийки, «Нефтчи» ҳам ҳали ўз сўзини айтиб улгургани йўқ.

Чамаси, баҳс энди кизийдиган кўринади...

З.РИХСИЕВ.

6-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	6	6	0	0	18-1	18
2. «Самарқанд-Д»	6	4	1	1	8-3	13
3. «Кизилқум»	6	4	0	2	11-6	12
4. «Насаф»	6	4	0	2	9-4	12
5. «Сўғдиёна»	6	2	3	1	9-6	9
6. «Навбахор»	6	3	0	3	12-10	9
7. «Зарафшон»	6	2	2	2	7-4	8
8. «Андижон»	6	2	2	2	7-7	8
9. «Металлург»	6	2	2	2	4-5	8
10. «Нефтчи»	6	2	1	3	5-7	7
11. «Кўкун-1912»	6	2	1	3	6-9	7
12. «Бухоро»	6	2	1	3	6-15	7
13. «Дўстлик»	6	2	0	4	6-12	6
14. «Трактор»	6	1	2	3	6-9	5
15. «Машъал»	6	1	1	4	3-9	4
16. «Сурхон»	6	0	2	4	5-15	2

ISHONCH

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
Муассис: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

Телефонлар:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.